

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ДЕРМАЗОЛ®

**Препаратнинг савдо номи:** Дермазол®

**Таъсир этувчи модда (ХПН):** кетоконазол

**Дори шакли:** вагинал суппозиторийлар

**Таркиби:**

Ҳар бир вагинал суппозиторий куйидагиларни сақлайди:

*фаол модда:* кетоконазол - 400 мг;

*ёрдамчи моддалар:* бутилланган гидроксанизол, қаттиқ ёғ.

**Таъриф:** оқ рангдан оч-сарик ранггача бўлган торпеда шаклидаги суппозиторийлар.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Гинекологияда қўлланиладиган антибактериал ва антисептик препаратлар. Нитримидазол ҳосилалари.

**АТХ коди:** G01AF11

### Фармакологик хусусиятлари

#### Фармакодинамикаси

Кетоконазол, имидазолдиоксолан ҳосиласи – маҳаллий қўлланиш учун кенг таъсир доирали синтетик замбуруққа қарши препарат. Дерматофитларга (*Trichophyton spp.*, *Epidermophyton floccosum*, *Microsporum spp.*), дрожжи ва дрожжисимон замбуруғларга (*Candida spp.*, *Pityrosporum spp.*, *Torulopsis*, *Cryptococcus spp.*, диморф замбуруғлар ва эумицетлар) нисбатан фунгицид ва фунгистатик таъсир этади.

Препарат стафилококклар ва стрептококкларга нисбатан фаолдир.

Таъсир механизми эргостерол биосинтезини сусайтиришдан ва замбуруғ қаватининг липид таркибини ўзгартиришдан иборат.

#### Фармакокинетикаси

Интравагинал қўлланилганида тизимли абсорбцияси унча кўп эмас.

### Қўлланилиши

Ўткир даражали ва сурункали қайталанувчи вагинал кандидозни даволаш учун мўлжалланган.

Антибактериал препаратлар ва ҳазнанинг меъерий микрофлорасини бузадиган бошқа препаратлар билан даволаш шароитида организм резистентлиги камайганида ҳазна микозлари пайдо бўлиши олдини олиш учун қўлланилади.

### Қўллаш усули ва дозалари

Суппозиторий тиззалар букилиб ва оёқлар кўкракка тортилиб чалқанча ётган ёки чўккалаб ўтирган ҳолатда ҳазнага чуқур юборилади. Суппозиторийларни қисмларга кесиш керак эмас, чунки бундай препаратни сақлаш шароитининг ўзгариши фаол модданинг тақсимланиши бузилишига олиб келиши мумкин. 3-5 кун давомида ухлашдан олдин бир суткада 1 тадан суппозиторий буюрилади. Зарур ҳолларда, даволаш курси клиник ва лаборатория жиҳатдан соғайишгача такрорланади. Сурункали кандидозда 10 кун давомида 1 тадан суппозиторий қўлланилади.

**Юбориш усули:** интравагинал усулда юборилади.

### Ножўя таъсирлар

Гиперемия ва ҳазна шиллиқ қавати яллиғланиши, ҳазнада қичишиш.  
Аллергик реакциялар: тери тошмаси, эшакеми кузатилиши мумкин.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Кетоконазолга ёки препаратнинг бошқа таркибий моддаларига юқори сезувчанлик, ҳомиладорлик, кўкрак сути билан овқатлантириш даври, 18 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Қуйи интравагинал абсорбцияси туфайли бошқа дори препаратлари билан ўзаро таъсири эҳтимоли кам.

### **Махсус кўрсатмалар**

Касаллик қайталаниши хавфини камайтириш учун жинсий шерикни ҳам бир вақтда даволаш тавсия этилади.

Кам ҳолларда жинсий шерикда аллергик реакциялар (жинсий аъзо гиперемияси) пайдо бўлиши мумкин.

Агар инфекциянинг клиник белгилари даволаш якунланганидан сўнг сақланиб қолса, ташхисни тасдиқлаш учун такрорий микробиологик текширув ўтказилиши керак.

Суппозиторийлар қўлланилиши механик контрацепциялар (латекс презервативлар ва вагинал диафрагмаларни ўз ичига оладиган) ишончилигини камайтириши мумкин.

Даволаш вақтида ишончли контрацепция усуллари танлаш тавсия этилади.

Такрорий касаллик юктириш хавфини қандай камайтириш керак?

- “Эркин нафас оладиган” кийимга ва пахтадан тайёрланган ич кийимга афзаллик беринг.
- Чўмилганда кийиладиган кийимлар ҳўл ҳолатда кўп юрманг. Илиқ нам муҳит замбуруғлар ривожланишига олиб келади.
- Фақат шахсий сочикдан фойдаланинг. Нам сочиклар инфекциялар тарқалишига сабаб бўлиши мумкин.
- Орқа тешикдан ҳазнага бактериялар тушишидан сақланиш учун олд томондан орқа томонга артининг.
- Ванналар учун мойлардан, аёллар гигиенаси учун спрейлардан ва вульва атрофидаги тери яллиғланишини чақиритиш мумкин бўлган кукунлардан фойдаланишдан сақланинг.
- Ҳаддан ташқари кўп ширинлик истеъмол қилманг, чунки бу ҳазна рН кўрсаткичини ўзгартириши ва замбуруғ фаоллашиши учун шароит яратиши мумкин.
- Ҳар куни таркибида лактобацилларни сақлайдиган сут-қатиқ маҳсулотларини истеъмол қилинг.
- Сиз бошқа касаллик туфайли антибиотикларни қабул қилишингиз зарур бўлган ҳолат учун ҳар доим ёнингизда замбуруққа қарши препаратни олиб юринг.
- Замбуруғли инфекцияни даволаш вақтида жинсий алоқалардан сақланинг.

### **Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши**

Кетоконазол препаратларининг ҳомиладорлик ва кўкракдан эмизиш вақтида қўлланилиши тўғрисида клиник маълумотлар чекланган.

Препарат ҳомиладорлик вақтида қўлланилиши мумкин эмас.

Лактация даврида препарат қўлланилиши зарур ҳолларда, кўкрак сути билан овқатлантиришни тўхтатиш керак.

### **Автотранспортни ва бошқа механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири**

Препаратнинг қўлланилиши автомобилни бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир этмайди.

### **Дозанинг ошириб юборилиши**

Препаратнинг қуйи абсорбцияси туфайли тавсия этилган (терапевтик) дозаларда интравагинал қўлланилганида дозанинг ошириб юборилиш эҳтимоли кам.

Препарат тасодифан ичга қабул қилинган ҳолатда заҳарланиш симптомлари пайдо бўлиши мумкин.

Специфик антитоти йўқ. Зарур ҳолларда, фаоллаштирилган кўмирни қабул қилиш ва симптоматик даволашни ўтказиш керак.

**Ишлаб чиқарилиш шакли**

5 та вагинал суппозиторийлар ПВХ/ПЭ стрипда. 2 та стрип тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

**Сақлаш шароити**

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

2 йил.

Яроқлилик муддати тугаганидан сўнг қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецепт бўйича берилади.

**Ишлаб чиқарувчи**

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

**Ишлаб чиқариш манзили**

SP-289(A), RIICO Industrial Area, Chopanki, Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan), Ҳиндистон.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори препаратларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили:

“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

100022, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Ҳалқа Йўли кўчаси, 91.

Тел.: + 998 78 150 97 97; факс: + 998 78 150 97 87

Уяли тел.: + 998 93 388 87 82

E-mail: pv@kusum.uz

Web-сайт: kusum.uz